

# 1.0-таҳрирдаги Better Cotton Узлуксиз ҳужжатли назорат стандартининг Мониторинг ва баҳолаш жараёни\*

## Мундарижа

<b>1. Кириш</b>	<b>3</b>
1.1 Better Cottonнинг Узлуксиз ҳужжатли назорат тизими	3
1.2 Мазкур ҳужжатдан кўзланган мақсад	4
1.3 Меъёрий ҳужжатлар	4
1.4 Кучга кириш санаси	5
<b>2 Баҳолаш жараёни</b>	<b>5</b>
2.1 Better Cottonнинг рўйхатдан ўтиш ва мониторинг даражалари	5
Дастурга дастлабки кириш	5
2.2 Қабул қилиш жараёни	8
2.3 Ўқитиш ва тайёргарлик	10
2.4 Мониторинг ва баҳолашни режалаштириш	10
2.5 Жойларга ташриф	12
2.6 Транзакцияларнинг масофавий мониторинги	16
2.7 Номувофиқликлар ва Тузатиш чоралари режаси	17
2.8 Баҳолаш натижаси	19
2.9 Бирлаштирилган баҳолашлар	21

<b>3 Доимий мониторинг, мувофиқлик ва баҳолаш циклари</b>	<b>22</b>
3.1 Йиллик ички таҳлиллар	22
3.2 Мониторинг ва мувофиқлик	22
3.3 Баҳолаш циклари	25
3.4 Вақтингчалик тўхтатиш ва оқибатлар	26
3.5. Кўламни кенгайтириш	28
3.6. Баёнотлар	28
3.7. Ўзгаришлар тўғрисидаги хабарнома	28
3.8. Истиснолар	29
3.9. Махсус мурожаатлар	29
3.10. Better Cotton ҳуқуқлари	30
<b>4 Транзакциялар ва Better Cotton платформаси билан ишлаш</b>	<b>30</b>
4.1 Масъулиятлар	31
4.2 Муддатлар	32
4.3 Пахта тозалаш корхоналарининг захиралари ва Йиллик рухсат берилган ҳажмлар (ЙРБХ)	33
4.4 Ҳужжатларни платформага юклаш	34
4.5 Оқибатлар	35
4.6 Очик маълумотлар	35
4.7 Янгиланишлар	35
<b>5. Текширувчи ва баҳоловчи малакаси</b>	<b>36</b>
5.1. Манфаатлар тўқнашуви ва бетарафлик	36
5.2. Малака	36

\*Илтимос ёдда тутинг, мазкур ҳужжат Бета-босқичида бўлиб, доимий тарзда қайта кўриб чиқилиши ва тузатишлар киритиб турилиши мумкин.

# 1. Кириш

## 1.1 Better Cottonнинг Узлуксиз ҳужжатли назорат тизими

Better Cotton - глобал миқёсда фаолият юритувчи нотижорат ташкилоти бўлиб, пахтани табиатга зиён етмайдиган усулларда етиштиришга қаратилган дунёдаги энг йирик дастур ҳисобланади. Бизнинг вазифамиз – пахтакорлар ўз фаолиятини давом эттириши ва гуллаб-яшнашига кўмаклашиш баробарида, 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) мувофиқ, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва тиклаш ҳамда жойларда илфор ва аниқ ўлчанадиган ижобий ўзгаришларга эришиш. Better Cotton – қўшма ташаббус бўлиб, фермер хўжаликларидан тортиб таъминотчилар, ишлаб чиқарувчилар ва брендлар билан биргаликда дунё бўйлаб пахта ишлаб чиқариш жараёнини ўзгартириш ва Better Cotton маҳсулотининг табиат учун безарар хомашё сифатидаги мақомига асосланган ҳолда, ижобий таъсирни чуқурлаштиришга интилади.

Better Cotton ташаббусининг стандартлар тизими пахтани табиатга зиён етмайдиган усулларда етиштириш ва хомашё таъминоти манбаларига нисбатан яхлит ёндашув бўлиб, барқарорликнинг учта устуни: экологик, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларни қамраб олади. Тизимнинг ҳар бир элементи, яъни Better Cotton тамойил ва мезонларидан (T&M) тортиб, натижа ва таъсирни акс эттирадиган мониторинг механизmlаригача, табиат учун безарар транзакцияларни жорий этишга туртки бериш мақсадида, яхлит механизм сифатида ишлайди.

Better Cotton ташаббусининг Узлуксиз ҳужжатли назорат (УҲН) стандарти Better Cotton ёрлиғига эга бўлган маҳсулотларни (Better Cotton T&Mга мувофиқ ишлаб чиқарилган) талаб томони билан боғлайдиган асосий тизимdir. УҲН стандартида таъминот занжирида иштирок этиб, Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахтани ёки таркибида пахта бўлган маҳсулотларни Better Cotton Микдор мувозанати (Mass Balance) тизими доирасидаги буюртма сифатида харид қиласиган ёки сотадиган ташкилотлар учун текшириладиган талаблар белгиланган (УҲН стандартининг 1.2.1-бандида белгиланганидек). Ишлаб чиқарувчилар, таъминотчилар, чакана сотувчилар ва брендлар Better Cotton ташаббусининг УҲН стандарти ва Better Cotton баёнотлар тизими талабларига риоя қилган тақдирдагина, ўз маҳсулотларида Better Cotton ёрлиғига эга бўлган жисмоний пахтадан фойдаланаётгани ёки жойлардаги дастурларимизни Микдор мувозанати тизими орқали буюртма қилиш воситасида қўллаб-куватлаётганини даъво қилиши мумкин.

Келажакда УҲН стандарти мақбул транзакцияларга мувофиқ ривожланишда давом этади. УҲН стандартининг 1.0-таҳрири Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахтани таъминот занжирида келиб чиқиш мамлакатига қадар кузатиш имконини беради. Better Cotton



ташаббусининг Маҳсулотни таъминот занжири бўйлаб кузатиш дастури стратегиясига мувофиқ, кузатиш даражасини янада батафсилроқ қилиш мақсадида, келажакда УҲН стандартига катта ўзгартиришлар киритишни режалаштирмоқдамиз. Ўзгартиришлар суръати Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахтага бўлган талаб асосида аниқланиб, пахта қиймат занжиридаги асосий манфаатдор томонлар билан маслаҳатлашган ҳолда белгиланади.

## 1.2 Мазкур ҳужжатдан кўзланган мақсад

Мазкур ҳужжатда таъминот занжирида иштирокчиси ҳисобланиб, Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахтани ва/ёки Миқдор мувозанати (Mass Balance) тизимидағи буюртмаларни харид қиласидиган ёки сотадиган ташкилотларга мониторинг ташрифларини амалга ошириш ва баҳолаш жараёни тасвирланади. Изчил методология қўлланишини таъминлаш мақсадида, ҳужжатдан, шунингдек, Better Cotton ходимлари ёки учинчи томон баҳоловчилари риоя қилиши шарт бўлган мониторинг ва баҳолаш жараёни тавсифи ҳам киритилган<sup>1</sup>.

Мазкур ҳужжатдан кўзланган мақсадлар қўйидагича:

- Better Cottonнинг УҲН дастурига қўшилмоқчи бўлган ташкилотларга баҳолаш ва мониторинг жараёнларидан қандай натижалар кутилиши мумкинлиги тўғрисида маълумот тақдим этиш.
- Изчил ёндашув қўлланиши учун мониторинг ташрифлари ва баҳолашларни 1.0-тахрирдаги Better Cotton УҲН стандартига таққослаган ҳолда тасвирлаш.
- Мувофиқликни текширишнинг изчил методологиясига қўйиладиган минимал талабларни белгилаш.
- Баҳолашдан кейинги тадбирларга қўйиладиган талаблар

## 1.3 Меъёрий ҳужжатлар

Better Cotton Узлуксиз ҳужжатли назорат тизимига асосланган ҳолда фаолият юритишни истайдиган барча ташкилотларга нисбатан қўйидаги ҳужжатлар амал қиласиди:

- 1.0-тахрирдаги Better Cotton УҲН стандарти
- Better Cotton Узлуксиз ҳужжатли назорат тизимининг Мониторинг ва баҳолаш жараёни (мазкур ҳужжат)
- Better Cotton платформасининг шартлари.

<sup>1</sup> Мазкур ҳужжат мақсадлари учун мониторинг ташрифларини амалга оширувчи Better Cotton ходимлари ва мустақил баҳолашларни амалга оширувчи учинчи томон баҳоловчилари умумлаштирилган ҳолда “баҳоловчи” деб номланади.

## 1.4 Күчга кириш санаси

1.0-тахирдаги Better Cotton УХН стандарты ва бошқа алоқадор ҳужжатлар билан 2023 йил майдан бошлаб танишиб чиқиш мумкин. Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахтани сотиш истагида бўлган ташкилотлар ўз қизиқишини Стандарт эълон қилиниши билан дарҳол рўйхатдан ўтказиши мумкин бўлиб, текшириш тадбирлари 2023 йил октябридан бошланади. Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта таъминот занжирининг тегишли қисмларига етказилишини йўлга қўйиш имконини яратиш мақсадида, Better Cotton босқичма-босқич ёндашувдан фойдаланади. Better Cotton маҳсулотидан фойдаланганлик тўғрисидаги баёнотни фақатгина Микдор мувозанати тизими орқали амалга оширмоқчи бўлган ташкилотлар Better Cotton Узлуксиз ҳужжатли назорат тизими бўйича кўрсатмалардан 2025 йил май ойигача фойдаланиши мумкин. 2025 йил майдан бошлаб, таркибида Better Cotton ёрлиғи остидаги пахта бўлган маҳсулотлар билан савдо қилмоқчи бўлган барча ташкилотлар 1.0-тахирдаги Better Cotton УХН стандартига риоя қилиши талаб қилинади.

## 2 Баҳолаш жараёни

### 2.1 Better Cottonнинг рўйхатдан ўтиш ва мониторинг даражалари

#### Дастурга дастлабки кириш

Better Cotton ташаббусининг УХН стандарти талаблари дунё бўйлаб Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахтани сотиб оладиган ёки сотадиган ёки Better Cotton Микдор мувозанати тизими буюртмаларини бажарадиган таъминот занжиридаги барча ташкилотлар учун амал қиласи. Булар сирасига пахта хомашёси воситачи ва бозорлари, пахта тозалаш корхоналари, савдогарлар, тола сотувчилари, йигирув қувватларига эга бўлган фабрикалар, йигирув қувватларига эга бўлмаган фабрикалар ёки таъминотчилар (жумладан, текстиль фабрикалари, бўяш фабрикалари, ип ва/ёки газлама сотувчилари, вертикал фабрикалар), тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилари, таъминотчи агентлар ҳамда чакана сотувчилар ва ўз ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлган бренделар ва бошқалар киради.

УХН дастурига кириш истагида бўлган ҳар бир ташкилот УХН стандарти, Better Cotton платформасининг Фойдаланувчи қўлланмаси, Better Cotton платформаси шартлари ҳамда мазкур ҳужжатда келтирилган талабларга риоя этади.

УХН дастурига киришдан аввал ташкилот ўзига нисбатан қўлланиши мумкин деб ҳисоблаган таъминот занжири модел(лар)ини танлайди ва Better Cottonга қизиқиши тўғрисидаги баёнотни топширади. Ташкилотлар бир нечта таъминот занжири моделини олиш учун ариза топшириши мумкин. Бунда ташкилот муайян модел(лар)га қўйиладиган талабларга жавоб



бериши лозим бўлади. Тегишли талабларга жавоб бермаслик бошқа моделни танлаш талаб қилинишига (масалан, сегрегация қоидаларига жавоб бермаслик фақатгина Микдор мувозанати моделининг қўлланишига) ёки ташкилотнинг дастурга киришини вақтингчалик тўхтатиш ёки бунинг рад этилишига сабаб бўлиши мумкин.

Бунда Пахта тозалаш корхоналарига истисно берилади, негаки улардан Better Cotton ёрлиғи остидаги пахтани жисмоний жиҳатдан ажратиш доим талаб этилади. Шунингдек, Пахта тозалаш корхоналари Better Cottonнинг Пахта тозалаш корхонаси билан тузиладиган йиллик шартномасини тўлдириши ва ундаги талабларга риоя қилиши ҳам лозим бўлади.

Жисмоний сегрегациянинг бир ёки бир нечта моделини қўллаш ниятида бўлган ташкилотлар (Сегрегация – бир мамлакат); Сегрегация - бир нечта мамлакат; Назорат остида аралаштириш (Controlled Blending) дастурга қўшилишдан аввал Better Cottonнинг Рўйхатдан ўтиш шаклини тўлдириш талаб қилинади. Буни Better Cotton томонидан тақдим этиладиган восита орқали амалга ошириш мумкин. Шаклни тўлдириш ихтиёрий маълум қилинган жавобларни текшириш учун керак бўладиган тегишли ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қиласи.

**Фақатгина** Микдор мувозанати моделини қўллаш ва 1.0-таҳрирдаги Better Cotton Узлуксиз ҳужжатли назорат стандартига риоя қилиш истагида бўлган ташкилотлар ҳозирги пайтда “**A** тоифа ташкилотлари сифатида таснифланади (батафсил маълумотлар мазкур ҳужжатнинг 2.2.-бандида келтирилган) ва уларга нисбатан Better Cotton [веб-сайтида](#) жойлаштирилган “Better Cotton ташаббусининг таъминот занжири мониторинг шарҳи” деб номланган ҳужжатдаги мониторинг талаблари қўлланади. Улар Better Cotton платформасида рўйхатдан ўтиши ва онлайн тайёргарлик модулларини тугатиши талаб қилинади.

Шунингдек, Better Cotton обрў-эътиборига зиён етказиши мумкин бўлган ҳар қандай потенциал хатарларни кўриб чиқиши мақсадида, Better Cotton жамоаси аризачиларнинг дастлабки текширувни ҳам ўтказади. Муаммолар аниқланиб, аризачига рад жавобини бериш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, аризачи бу тўғрисида хабардор қилинади. Агар аризачига дастлабки текширув натижасида рад жавоби берилган бўлса, унга камида 12 ой давомида қайта мурожаат қилишга рухсат берилмайди ва шунда ҳам рад этиш учун асос бўлган ҳолатлар унинг аризаси қайта кўриб чиқилишидан аввал бартараф этилган бўлиши шарт. Ташкилотлар баҳолаш ёки мониторинг тадбири натижасида қабул қилинган ҳар қандай қарорга қарши апелляция киритиш хуқуқига эга бўлиб, олинган шикоятлар Better Cottonнинг шикоятлар билан ишлаш тартиб-қоидаларига мувофиқ тарзда кўриб чиқилади.

Топширилган Better Cotton Рўйхатдан ўтиш шакллари Better Cotton жамоаси томонидан 30 иш куни давомида кўриб чиқилади ва тақди этилган маълумотлар асосида ташкилотга тегишли тоифа берилади.<sup>2</sup> Мазкур тоифа Better Cotton жисмоний пахтаси билан савдо қилиш ниятида бўлган ташкилотни мониторинг қилиш даражасини белгилайди.

Қуйида ҳар бир тоифадаги ташкилотга нисбатан амал қиладиган мониторинг жараёни тасвирланган:

<sup>2</sup> Better Cotton жамоаси мазкур жараённи узайтириши мумкин бўлган қўшимча маълумот ва аниқлаштиришлар тақдим этишни сўраши мумкин.




- **“А” тоифа** – қуи хатар даражасига эга деб таснифланган ташкилотлар дастурга киргандан сүнг уч йил ичидә баҳоланиши лозим бўлиб, уларга нисбатан Better Cotton жамоаси томонидан амалга ошириладиган доимий мониторинг ва текширув ишлари амал қиласди.
- **“В” тоифа** – дастурга киргандан сүнг 12 ой ичидә масофавий ёки жойга чиқиш билан амалга ошириладиган баҳолаш ўтказиш талаб қилинади. Пахта тозалаш корхоналари учун – бу мавсумга боғлиқ бўлиб, мавсум давомида амалга оширилади.
- **“С” тоифа** – ташкилот жисмоний ва таъминот занжири бўйлаб кузатиш мумкин бўлган Better Cotton пахтаси билан савдо қилишни бошлишидан аввал маъқулланган Учинчи томон текширувчиси (3PV) томонидан объектда жисмоний тарзда амалга ошириладиган текшириш ўтказилиши талаб қилинади.

Ташкилотга қандай тоифа бериш масаласи Better Cotton жамоасининг ихтиёрида бўлиб, ташкилот Better Cotton УҲН дастурида бўлиб турган даврда аниқланган ҳар қандай қўшимча маълумот асосида исталган пайтда ўзгартирилиши мумкин. Тоифа, шунингдек, УҲН стандарти ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига яққол риоя этиш асосида ҳам ўзгартирилиши мумкин.

Better Cotton УҲН дастурига қўшилиш тўғрисидаги ҳар қандай аризани рад этиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Аризаси рад этилган ташкилот 12 ой давомида қайта ариза топшириши мумкин эмас.

Ташкилотга тоифа берилганидан сүнг у 12 ой ичидә рўйхатдан ўтиш шаклини қайта топшира олмайди.

## 1-чиэма – Дастребки ариза топшириш жараёни



## 2.2 Қабул қилиш жараёни

Тоифа белгиланиб, мониторинг жараёни аниқланганидан сўнг ташкилотлар қўйида талаб қилинадиган қадамларга риоя этади.

### “А” тоифа

Мазкур тоифадаги ташкилотлар Better Cotton платформасида рўйхатдан ўтади ва тегишли онлайн тайёргарлик модулларини тамомлайди. Мазкур тоифадаги ташкилотлар Better Cottonнинг одатдаги мониторинг ва назорат дастурига киритилади ва дастурга киргандан сўнг 3 йил ичига баҳолашдан ўтиши талаб қилинади.



## “В” тоифа

Мазкур тоифадаги ташкилотлар Better Cotton платформасида рўйхатдан ўтади ва тегишли онлайн тайёргарлик модулларини тамомлайди.

Better Cotton платформасида рўйхатдан ўтгандан сўнг 12 ой ичидаги ташкилот 1.0-таҳрирдаги Better Cotton Узлуксиз ҳужжатли назорат стандарти асосида баҳолаш ўтказиш учун маъқулланган Учинчи томон текширувчиси билан боғланади. Маъқулланган Учинчи томон текширувчиларининг рўйхатини Better Cotton веб-сайтидан топиш мумкин. Агар ташкилот маъқулланган Учинчи томон текширувчилари билан боғланишда ва / ёки баҳолаш санасини белгилашда қийинчиликка дуч келса, баҳолашни ўтказишда ёрдам олиш учун Better Cotton жамоаси билан боғланади.

Баҳолаш санаси келишилгач, Учинчи томон текширувчиси белгиланган сана тўғрисида Better Cottonни хабардор қиласи. Ҳар қандай ўзгариш юз берган тақдирда, Учинчи томон текширувчиси Better Cottonни бу тўғрисида уч иш куни ичидаги хабардор қиласи.

Ташкилот баҳолашни муваффақиятли ўтказиб, ҳар қандай номувофиқликларга нисбатан мазкур ҳужжатнинг 2.7-2.8-бандларида кўрсатилган тартибда жавоб берилади.

Агар ташкилот рўйхатдан ўтган кундан бошлаб 12 ой ичидаги баҳолашни ўтказмаса, унинг дастурдаги иштироки баҳолаш муваффақиятли ўтказилгунга қадар тўхтатиб қўйилади.

## “С” тоифа

Мазкур тоифадаги ташкилотлар 1.0-таҳрирдаги Better Cotton Узлуксиз ҳужжатли назорат стандарти асосида баҳолаш ўтказиш учун маъқулланган Учинчи томон текширувчиси билан боғланади. Маъқулланган Учинчи томон текширувчиларининг рўйхатини Better Cotton веб-сайтидан топиш мумкин. Агар ташкилот маъқулланган Учинчи томон текширувчилари билан боғланишда ва / ёки баҳолаш санасини белгилашда қийинчиликка дуч келса, баҳолашни ўтказишда ёрдам олиш учун Better Cotton жамоаси билан боғланади.

Баҳолаш санаси келишилгач, Учинчи томон текширувчиси белгиланган сана тўғрисида Better Cottonни хабардор қиласи. Ҳар қандай ўзгариш юз берган тақдирда, Учинчи томон текширувчиси Better Cottonни бу тўғрисида уч иш куни ичидаги хабардор қиласи.

Ташкилот баҳолашни муваффақиятли ўтказиб, ҳар қандай номувофиқликларга нисбатан мазкур ҳужжатнинг 2.7-2.8-бандларида кўрсатилган тартибда жавоб берилади.

Ташкилот Better Cotton платформасининг маҳсулотни таъминот занжири бўйлаб жисмоний кузатиш муҳитига кириш ҳуқуқига эга бўлиши ва Better Cotton ёрлиғига эга бўлган жисмоний маҳсулот олди-сотдиси билан шуғуллана олиши учун баҳолашдан муваффақиятли тарзда ўтиши талаб қилинади. Агар ташкилот тоифа тасдиқланганидан сўнг 90 кун ичидаги баҳолашни ўтказа олмаса ёки номувофиқликларни бартараф эта олмаса, у қайта ариза бериши ва Рўйхатдан ўтишнинг янги шаклини топшириши талаб қилинади.



Баҳолашни муваффақиятли ўтказгач, ташкилот Better Cotton платформасида рўйхатдан ўтади ва Better Cotton платформасининг тегишли онлайн тайёргарлик модулларини тамомлайди.

## 2.3 Ўқитиш ва тайёргарлик

Better Cotton 1.0-таҳрирдаги Better Cotton Узлуксиз ҳужжатли назорат стандарти асосида фаолият юритмоқчи бўлаётган ташкилотлар учун тайёргарлик модулларини ишлаб чиқади. Пахта тозалаш корхоналари Better Cotton томонидан ҳар йили ташкиллаштириладиган ва жисмоний ёки онлайн шаклда ташкиллаштириладиган тайёргарлик модулларида қатнашади. Таъминот занжирининг бошқа иштирокчилари Better Cotton Узлуксиз ҳужжатли назорат дастурига киришдан аввал тайёргарлик курсларида иштирок этиши тавсия этилади.

Better Cotton платформаси билан муомалага киришадиган барча ташкилотлар транзакцияларга киришдан аввал онлайн тайёргарликдан ўтади.

Better Cotton, шунингдек, Узлуксиз ҳужжатли назорат дастурига кириш истагида бўлган ташкилотлар учун йўриқнома ишлаб чиқади ва у Better Cotton веб-сайтида жойлаштирилади.

Тайёргарлик курсида иштирок этиш ёки йўриқнома билан танишиб чиқиш ташкилот 1.0-таҳрирдаги Better Cotton Узлуксиз ҳужжатли назорат стандарти асосида фаолият юритиш учун текширувдан ўтказилишини кафолатламайди.

## 2.4 Мониторинг ва баҳолашни режалаштириш

Қўйидаги бўлимда берилган тоифа ёки давом этаётган мониторинг ва текшириш ишлари туфайли жойга чиқсан ҳолда текшириш ўтказиш талаб қилинган ҳолатда риоя этилиши лозим бўлган жараён тасвирланган.

### 2.4.1 Баҳолаш ўтказиш тўғрисидаги шартнома

Ташкилот маъқулланган Учинчи томон текширувчиси билан баҳолаш ўтказиш тўғрисидаги шартнома тузади. Шартнома иккала тараф томонидан ҳам имзоланиб, энг камида, қўйидаги жиҳатларни қамраб олади:

- Баҳолаш кўлами.
- Баҳолаш муддати.
- Баҳолаш нархи.



- Ташкилот 1.0-тахрирдаги Better Cotton Узлуксиз ҳужжатли назорат стандарти талабларига риоя қилишга рози экани.
- Баҳолаш доирасида кўриб чиқилган маълумотлар махфийлиги.
- Ташкилотнинг қабул қилингандан қарорга қарши апелляция бериш ҳуқуқи.
- Учинчи томон текширувчиси ва Better Cottonнинг баҳолаш учун зарур деб ҳисобланган ҳужжатларни талаб қилиш ёки Стандартга риоя қилинишини текшириш ҳуқуқи.
- Учинчи томон текширувчисининг баҳолаш маълумотларини Better Cotton билан ўртоқлашиш ҳуқуқи.
- Махфийлик ва баёнотлар билан боғлиқ талаблар.
- Better Cotton Узлуксиз ҳужжатли назорат стандарти билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилмаслик тўғрисидаги далиллар мавжуд бўлган тақдирда, Better Cotton ташкилотнинг дастурдаги иштирокини тўхтатиб қўйиши мумкинлиги. Бу, шунингдек, баёнотлар тизими ва шартларни ҳам ўз ичига олади.
- Баҳолашларда Better Cotton ходимлари иштирок этиши мумкинлиги тўғрисидаги эслатма.
- Шартноманинг амал қилиш муддати.

## 2.4.2 Баҳолашни тайёрлаш

Ташкилот билан баҳоловчи жойга чиққан ҳолда мониторинг баҳолашини ташкиллаштириш учун ўзаро алоқага киришади. Баҳоловчи режалаштирилган ташриф санасини компанияга камида икки ҳафта аввал қайта тасдиқлаши лозим. Баҳолашлар санасини режалаштиришда Учинчи томон текширувчилари ўзининг ташкилотлар билан бўлган ёзишмалари нусхасини Better Cotton ходимларига ҳам юборади ва баҳолаш тўғрисидаги мурожаатга жавоб бўлмаган тақдирда Better Cotton жамоасини хабардор қиласди.

Баҳолаш ташкилот ишлаб чиқариш жараёнида бўлганда амалга оширилиши керак.

УҲН дастури иштирокчиси бўлган ташкилотлар учун, агар ташкилот Better Cotton ёки Учинчи томон текширувчиларининг электрон почта орқали юборилган учта эслатмаси ва битта телефон қўнғироғига жавоб бермаса, унда ташкилотнинг Better Cotton платформасига кириш ҳуқуқи у баҳолаш тўғрисидаги мурожаатга жавоб бермагунга қадар тўхтатиб қўйилади.

Агар ташкилот УҲН дастурида иштирок этиш учун биринчи марта ариза берган бўлса, унинг аризасини кўриб чиқиш ташкилот текширув ўтказиш тўғрисидаги мурожаатга жавоб бергунга қадар тўхтатиб турилади. **Хабарнома юборилганидан сўнг 30 кун ичida жавоб бермаслик ташкилот аризасининг бекор қилинишига сабаб бўлади.** Бу ҳолда ташкилотлар рўйхатдан ўтиш шаклини қайта топшириши ва ариза бериш жараёнини қайта бошлиши лозим бўлади.

Баҳоловчи баҳолаш режасини тузиб УҲН стандарти, ҳисобот, мажбурий ҳужжатлар ва баҳолашни тайёрлаш, расмийлаштириш ва ҳисобот бериш учун тақдим этилган маълумотларнинг охирги таҳриридан фойдаланади. Саволларингиз бўлса, илтимос, Better Cotton веб-сайти ёки Better Cottonнинг таъминот занжири бўйича жамоасига мурожаат қилинг.



Баҳолашга тайёргарлик кўриш чоғида баҳоловчилар маълумотларни маҳаллий тилда тасдиқлаши лозим бўлади. Агар баҳоловчи/баҳоловчилар жамоаси маҳаллий тилда гапирмаса, тегишли, мустақил ва холис таржима хизматлари ташкиллаштирилиши лозим бўлади.

Баҳолашни тайёрлаш жараёнида (ҳамда жойларга ташрифдан аввал) қуидаги маълумотлар Better Cotton томонидан текширилади:

- Better Cottonдаги аъзолик ёки Better Cotton платформасидаги фойдаланувчи мақоми
- Better Cotton платформасидаги Ҳисоб турлари
- Охирги 12 ой давомида тренинглардаги иштирок
- Аввалги номувофиқликлар
- Аввал олинган шикоятлар.
- Рўйхатдан ўтиш шаклидаги тегишли маълумотлар
- Ўзини-ўзи баҳолаш пайтидаги тегишли маълумотлар
- Субпудратчилар номлари (заруриятга қараб).

#### 2.4.3 Баҳолаш давомийлиги

Ходимлар баҳолаш жараёнида ўзига юқлатилган вазифаларни бажариши учун ресурслар, шу жумладан, вақт етарли ҳажда ажратилиши шарт. Бунга баҳоловчи баҳолаш тадбирларини, шу жумладан, баҳолашни тайёрлаш, ўтказиш ва/ёки баҳолаш ҳисботини тўғри ёзиш учун талаб қилинадиган далилларни солиштириш учун зарур бўлган вақт ҳам киради. Агар таржима керак талаб қилинса, у аввалдан ташкиллаштирилади.

Ҳисоб-китобларга кўра, ҳар бир баҳолаш учун, одатда, бир тўлиқ иш куни сарф этилади (тахминан, 6-8 соат). Бундан ташқари, баҳоловчилар яқуний ҳисботни тугатиши ва баҳолашдан кейин тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиши (масалан, талаб қилинган харид ҳужжатлари объектда бўлмаган ва уларни электрон почта орқали юбориш талаб қилинганда) учун 1-1,5 соат вақт берилади. Илтимос ёдда тутинг, мазкур ҳужжатда кўрсатилган текшириш муддатлари тахминий бўлиб, ҳар бир компанияда ўтказиладиган вақт турлича бўлиши ва турфа хил омилларга боғлиқ бўлиши мумкин. Текширувчи текшириш учун ажратилган вақтдан кўпроқ вақт сарфланса ҳам ҳам текшириш тўлиқ тугалланишини таъминлайди.

### 2.5 Жойларга ташриф

Объектда ўтказиладиган баҳолашдан ташкилот УҲН стандарти талабларига қай даражада риоя этаётганини аниқлаш учун зарур бўлган объектив далилларни олиш ва баҳолаш учун фойдаланилади. Баҳолаш пайтида баҳоловчи ҳар бир объектдаги қайдлар, ишлаб чиқариш жараёnlари ва сақлаш жойларини кўриб чиқади, кузатади ва текширади.

## 2.5.1 Танишув учрашуви

Баҳолаш танишув учрашуви билан бошланиб, унинг давомида баҳоловчи, шу жумладан, қуидаги маълумотларни тақдим этади:

- a. Баҳолаш тадбирлари қай тарзда ўтказилиши ва уларга қанча вақт сарфланиши.
- b. Барча талаб қилинган ҳужжатлар баҳолаш ўтказилаётган обьектда мавжудлиги ёки улардан электрон воситалар ёрдамида фойдаланиш мумкинлигининг тасдифини олиш.
- c. Ходимлар билан мулоқот қилиш имконияти борлигининг тасдифини олиш ва ишчилар билан бўладиган интервью улар ўзини қулай ҳис қиласидиган ва маҳфийлик таъминланадиган иш жойида ўтказилишини тушунтириш.
- d. Объектни айланиб чиқиш заруриятини нима билан боғлиқ эканини тушунтириш.
- e. Ҳисобот тайёрлаш услуби, шу жумладан аниқланиши мумкин бўлган ҳар қандай номувофиқликлар тури ва даражалари.
- f. Маҳфийлик ва манфаатлар тўқнашувини тушунтириш.
- g. Баҳолаш пайтида фойдаланиладиган тил ва таржимонларга эҳтиёж бор-йўқлигининг тасдифини олиш.

## 2.5.2 Суҳбатлар

Баҳоловчи масъул ходимлар (бошқарув ва маъмурий ходимлар ва ишчилар) тегишли УҲН стандартини тушуниш ва қўллаш учун тегишли малакага эгалигини текшириш учун улар билан суҳбат ўтказади.

Суҳбат ўтказилиш лозим бўлган ходимларни танлашда баҳоловчи, шу жумладан, қуидагиларни инобатга олиши шарт:

- a. УҲН стандартига риоя этиш учун умумий масъулиятга эга бўлган ходимлар.
- b. Энг муҳим назорат нуқталари ва аниқланган хатар соҳалари учун масъул бўлган ходимлар.
- c. Баҳолаш пайтида қайта ишлаш ва юклаш ва тушириш транзакциялари.
- d. Аввалги баҳолашлар пайтидаги аниқланган ва бартараф этилмаган номувофиқликлар (бор бўлса).
- e. Агар ташкилотдаги (масалан, пахта тозалаш корхонасидаги) тадбирлар вақтинчалик ва/ёки мавсумий ишчиларга юқори даражада боғлиқ бўлса, баҳоловчи обьектдаги баҳолашда имкон қадар кўпроқ вақтинчалик ва/ёки мавсумий ишчилар бор бўлишини таъминлаш учун барча чораларни кўради.

Ўтказилган суҳбатлар сони ташкилот ҳажми, транзакциялар мушкуллиги ва Better Cotton маҳсулотларининг сифатига таъсир ўтказиши мумкин бўлган ходимлар кўламини акс эттириши лозим. Суҳбатлардан ходимлар УҲН стандартига риоя этилишини таъминловчи тегишли жараён ва тартиб-таомилларни тушунишини аниқлаш учун фойдаланилади.

Ишчилар билан суҳбат ўтказишда баҳоловчилар қуидаги омилларни ҳисобга олади:

- a. Баҳоловчи ишчилар билан ўтказиладиган суҳбатда раҳбарият вакиллари иштирок этмаслигини таъминлайди.
- b. Баҳоловчи суҳбат иштирокчиларининг хавфсизлиги, қулайлиги ва суҳбат давомидаги маҳфийлигини таъминлайди.
- c. Суҳбатлар ва улар давомида олинган маълумотлар ёзиб борилади, аммо маҳфийлик туфайли ишчиларнинг исм-шарифлари сир тутилиши мумкин. Бундай вазиятларда бажариладиган вазифанинг қисқача таърифи етарли.
- d. Суҳбатларда йўналтирувчи саволлар ишлатилмайди.

### 2.5.3 Ҳужжатларни текшириш ва намуна олиш

Баҳолаш пайтида баҳоловчи, энг камида, қуидагиларни текширади:

- a. Бошқарув режаси
- b. Ходимлар ва вақтинчалик ишчилар малакаси
- c. Ходимлар ва вақтинчалик ишчиларнинг тайёргарликдан ўтганлиги тўғрисидаги қайдлар
- d. Қайта ишлаш, шу жумладан, конвертация нисбати тўғрисидаги қайдлар
- e. Маҳсулотнинг таъминот занжиридаги ҳаракатини кузатиш имконияти, олди/сотди тартиблари ва олди/сотди қайдлари
- f. Ҳажмнинг солиштирма қайдлари
- g. Субпудратчилар билан шартномалар ва субпудрат тадбирларининг тафсилотлари (бор бўлса)
- h. Фақат пахта тозалаш корхоналари учун: пахта тозалаш корхонаси билан тузилган шартнома

Маҳсулотнинг таъминот занжиридаги ҳаракатини жисмоний кузатиш моделини қўллайдиган ташкилотларда баҳоловчи маҳсулотнинг таъминот занжиридаги ҳаракатини синаб кўради. Синов доирасида таъминот занжирига киришдаги Better Cotton маҳсулотлари чиқишидаги маҳсулотлар билан боғланади. Бу - партиялар ёки етказиб бериш қайдлари, маҳсулотнинг ички ҳаракатини кузатиш қайдлари ва маҳсулотни юклаш ва тушириш ҳамда таъминот қайдлари, фойдаланилган бўлса, субпудратчилар иштирокидаги тегишли ҳужжатлар ўрганиб чиқилиши лозимлигини англаади.

### 2.5.4 Объектни текшириш

Объектни текширишдан мақсад – баҳоловчи транзакциялар УҲН стандарти талабларига қайдаражада жавоб бериши тўғрисида тасаввур ҳосил қила олишини таъминлаш мақсадида, у объектнинг барча қисмларидағи транзакцияларни кузатиши учун шароит яратиш.

Объектдаги текширувлар, шу жумладан, қуидагиларни қамраб олади: фаолият кўламига бевосита кирадиган энг муҳим қайта ишлаш транзакцияларини бажарувчи ишчилар ишлайдиган жойлар.



Объектни текшириш пайтида маҳсулотнинг турли босқичлар бўйлаб ҳаракатланишининг кетма-кетлигига доимо риоя қилиш шарт бўлмаса-да, баҳоловчи барча энг муҳим назорат нуқталари баҳоланишини таъминлайди.

Баҳоловчи раҳбарият ва ишчилар билан қатъий тузилмага эга бўлмаган сұхбатлар/интервьюлар ўтказиб, хulosаларни тасдиқлаш учун объект даражасидаги далилларни қидиради.

Текширув пайтида олинган далиллар кейинчалик раҳбарият/ишчилар билан бўладиган интервьюлар ҳамда ҳужжатларни ўрганиш натижасида олинган маълумотлар билан солишириб чиқилади.

## 2.5.5 Якуний учрашув

Якуний учрашув юқори даражадаги раҳбарият билан ўтказилиб, ҳар қандай номувофиқликлар кўриб чиқилади.

Якуний учрашув, шу жумладан, қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

- a. Баҳолаш жараёнида намуналарга асосланган ёндашувдан фойдаланилганини тушунтириш.
- b. Ҳисобот услуби ва муддатлари.
- c. Ташкилотнинг кучли жиҳатлари ва илғор транзакциялари тўғрисидаги қисқача умумий маълумот, агар жоиз бўлса.
- d. Баҳолаш пайтида аниқланган барча далиллар изоҳи.
- e. Баҳолаш пайтида аниқланган далиллардан фойдаланиш жараёни, шу жумладан, оқибатлар.
- f. Ташкилот баҳолаш пайтида аниқланган далилларга жавоб беришининг муддатлари.
- g. Баҳолашдан кейинги тадбирлар, жумладан (объектда), жоиз бўлса, қўшимча баҳолаш ва янги маълумотлар асосида баҳолаш натижаларига ўзгариш киритилишининг эҳтимоли.
- h. Номувофиқликлар қачон бартараф этилиши ва улар бартараф этилганини тасдиқлаш учун тузатиш чоралари қандай қилиб текширилишини келишиш.

## 2.5.6 Субпудратчиларни баҳолаш

Агар баҳолаш пайтида субпудратчиларни бошқариш билан боғлиқ хатарлар бор бўлса ёки хавотирлар кўтарилса ҳамда сифат ва обрў-эътибор билан боғлиқ хатарлар аниқланса, Better Cotton субпудратчи(лар) баҳоланишини талаб қилиши мумкин. Агар субпудратчидаги қандайдир номувофиқликлар аниқланадиган бўлса, улар 1.0-таҳрирдаги Better Cotton Узлуксиз ҳужжатли назорат стандарти асосида текширилишни истаётган ташкилотга нисбатан кўтарилади ва мазкур ҳужжатнинг 2.7-бандига мувофиқ кўриб чиқилади.



## 2.6 Транзакцияларнинг масофавий мониторинги

Транзакцияларнинг масофавий мониторинги транзакциялар қайдлари ҳамда Better Cotton платформасидаги Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний маҳсулотлар ҳамда Микдор мувозанати тизимидағи буюртмалар ўтказмаларини текшириш учун мүлжалланган. Транзакцияларнинг масофавий мониторинги таъминот занжиридаги ҳар қандай иштирокчига нисбатан ўтказилиши мумкин. Бу эса масофавий мониторинг пахта тозалаш корхоналари, трейдерлар, ип йигириш корхоналари, бирлаштирилган ип йигириш корхоналари, мато фабрикалари, вертикал интеграллашган фабрикалар, кийим-кечак ишлаб чиқарувчилар ва таъминотчи қидириувчи агентларга нисбатан ўтказилиши мумкинлигини англаради. Бу мониторинг 2-томон тадбири сифатида ўтказилиб, баҳолаш Better Cotton ходимлари томонидан амалга оширилишини англаради.

### 2.6.1 Режалаштириш ва тайёргарлик

Better Cotton жамоаси ташкилот/объект билан электрон почта орқали боғланиб, транзакцияларнинг масофавий мониторингини ўтказишдан кўзланган мақсад, мурожаатга жавоб бериш муддатлари ва транзакцияларни текшириш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар бўйича тушунириш беради. Better Cotton, шунингдек, транзакцияларнинг масофавий текширувдан ўтиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлаш бўйича кўрсатмаларни тақдим этади.

Одатда, Better Cotton жамоаси аъзоси тадбир доирасида баҳолаш учун ташкилот/объектнинг Better Cotton платформасидаги ҳисобидан 5-8 та транзакцияни танлаб олади.

Ташкилот/объект мурожаатга 10 иш куни ичидаги жавоб бериши шарт.

Ташкилотлар/объектлар ўз қайдларини Better Cotton платформаси ёки электрон почта орқали тақдим этиши мумкин.

### 2.6.2 Ҳужжатларни текшириш ва намуна олиш

Мониторинг пайтида Better Cotton жамоаси Better Cotton платформасига киритилган маълумотлар ҳаққоний экани ва пахта/таркибида пахта бўлган маҳсулотлар қонуний олди-сотдисига мос келишини тасдиқлайдиган тегишли қайдларни кўриб чиқади. Ҳужжатлар намуналарига қўйидагилар киради:

- Ҳисоб-фактуралар
- Юк хати
- Шартномалар

Ҳар бир транзакцияга нисбатан Better Cotton жамоаси қўйидагилар ҳаракатларни амалга оширади:

- a. Рақамли транзакция олувчиси бевосита харидор билан бир эканини текшириш.
- b. Better Cotton платформасига киритилган жұнатиш санаси ҳужжат(лар)даги санага мос келишини текшириш.
- c. Қайдлардаги сана ва ҳажмлар Better Cotton платформасидаги маълумотларга мос эканини тасдиқлаш.
- d. Better Cotton платформасига транзакцияларни транзакцияларнинг уникал идентификацион рақами орқали қайдлар билан боғлаш имконияти борлигини тасдиқлаш.

## 2.6.3 Натижалар

Better Cotton жамоаси мониторинг давомида түпланган маълумотлар асосида ҳисобот тайёрлаб, уни ташкилот/объектга юборади. Ҳисоботлар ташкилот/объектга юборилишдан аввал күриб чиқилади ва якуний ишлов берилади. Күтарилилган ҳар қандай номувофиқликлар мазкур ҳужжатнинг номувофиқликлар түғрисидаги бандига биноан ҳал этилади.

Таъкидлаш жоизки, ҳужжатларни тақдим этмаслик ёки тузатиш чораларини кўрмаслик ташкилот/объектнинг Better Cotton платформаси ёки умуман дастурдаги иштироқи тўхтатиб қўйилишига сабаб бўлиши мумкин.

## 2.7 Номувофиқликлар ва Тузатиш чоралари режаси

Better Cotton томонидан ўтказиладиган ҳар қандай баҳолаш ёки мониторинг услублари номувофиқликлар кўтарилишига сабаб бўлиши мумкин. Қуйидаги бандда номувофиқликлар қандай кўтарилиши ва ташкилот томонидан қай йўсинда ҳал қилинишининг тафсилотлари келтирилган.

### 2.7.1 Номувофиқликларни даражаларга ажратиш

Баҳоловчи номувофиқликларни қўйидагича таснифлайди:

- a. **Кичик номувофиқлик:** вақт ва макон миқёсида чекланган ва муаммонинг олдини олиш ёки аниқлаши керак бўлган самарали ички бошқарув тизими бор бўлган воқеа. Шунингдек, номувофиқлик тегишли талаб билан кўзда тутилган мақсадга эришишга фундаментал тарзда тўсқинлик қилмаса, уни Кичик деб таснифлаш мумкин.
- b. **Йирик номувофиқлик:** тегишли талаб билан кўзда тутилган мақсадга эришишга фундаментал тарзда тўсқинлик қилса ёки тўсқинлик қилиш эҳтимоли бор бўлса (бир ўзи ёки бошқа номувофиқликлар билан қўшилганда). Йирик номувофиқликлар,



одатда, маълум вақт давом этади, қайтарилади ёки, ўз табиатига кўра, тизимли бўлади.

Баҳоловчи қасддан қилинган фирибгарликни (шу жумладан, ташкилот ходимлари томонидан баёнот берилган материал билан боғлиқ ҳар қандай қайдларни ўзгартириш) йирик номувофиқлик деб таснифлайди.

Баҳоловчи ташкилот вакили бўлган ходимнинг ахлоқ меъёрларига тўғри келмайдиган хулқатворини аниқлаган тақдирда, шу жумладан, материал ёки нақд пул кўринишида пора таклиф қилиш ҳолатида, буни Better Cottonга 24 соат ичida хабар қиласди. Бу баҳолаш бўйича салбий қарор қабул қилинишига сабаб бўлади (тафсилотлар учун тегишли бандга қаранг).

## 2.7.2 Тузатиш чоралари режаси

Агар баҳолаш жараёнида УҲН стандарти талаблари билан боғлиқ номувофиқликлар аниқланса, ташкилот баҳолашнинг якуний ҳисоботини олганидан 10 кун иш куни ичida ўзининг Тузатиш чоралари режасини (ТЧР) тақдим этади. Ташкилот бу номувофиқликларни қўйида келтирилган муддатлар ичida бартараф этади. Агар ташкилот ўз ТЧРни ўрнатилган муддатлар ичida тақдим этмаса, Better Cotton унинг Better Cotton платформасидаги ҳисобини кечикишнинг узрли сабаби кўрсатилгунга ёки ТЧР тақдим этилгунга қадар вақтинчалик тўхтатиб қўяди

ТЧР да қўйидагиларнинг тавсифи келтирилади:

- Номувофиқликнинг асл сабаби.
- Номувофиқликни бартараф этиш учун мўлжалланган тузатиш чоралари.
- Тузатиш чорасини амалга ошириш учун тегишли вақт жадвали (қўйида келтирилган муддатлар асосида).

Better Cotton томонидан мазкур ахборотни тўлдириш учун андоза тақдим этилади.

### Кичик номувофиқликлар

Олти ой ичida бартараф этилади ёки, пахта тозалаш корхоналари учун, кейинги пахта тозалаш мавсумидан аввал (қайси бири қисқароқ бўлса) ва масала қай тарзда ҳал этилганининг далиллари кўрсатилган ҳолда Better Cottonга ёки учинчи томон баҳоловчисига тақдим этилади. Агар олти ой ичida ёки янги мавсумдан аввал бартараф этилмаса, Кичик номувофиқлик Йирик номувофиқлик тоифасига ўtkaziladi ва унга нисбатан Йирик номувофиқлик учун амал қиласиган муддатлар қўлланади.

### Йирик номувофиқликлар

Баҳолашнинг якуний ҳисоботи олинганидан сўнг 30 кун ичida бартараф этилади ва масала қай тарзда ҳал этилганининг далиллари кўрсатилган ҳолда Better Cottonга ёки учинчи томон баҳоловчисига тақдим этилади. Ўттиз кун ичida бартараф этилмаган тақдирда, Йирик



номувофиқлик ташкилотнинг Better Cotton платформасидаги ҳисоби вақтинчалик тұхтатиб қўйилишига сабаб бўлади. Тұхтатиб қўйиш муддати номувофиқликка нисбатан кўрилган жавоб чоралари инобатга олинган ҳолда Better Cotton томонидан белгиланади.

Баҳоловчиларнинг роли ташкилотлар қўйидагиларни таъминлашига эришишдан иборат:

- Номувофиқликларни бартараф этиш учун ТЧР тақдим этиш талабидан хабардор бўлиш.
- ТЧРни тўлдириш учун талаб қилинадиган маълумотлар тўлиқ бўлиши.
- ТЧРни Better Cotton ёки Учинчи томон текширувчисига талаб қилинадиган муддатларда тақдим этиш.
- Кичик ва йирик номувофиқликларни бартараф этиш учун ўрнатилган муддатлар ва уларга риоя қилмаслик оқибатларидан хабардор бўлиш.

## 2.8 Баҳолаш натижаси

### 2.8.1 Баҳолаш ҳисоботи

Ҳар бир баҳолашдан кейин баҳоловчи Better Cotton УҲН Баҳолаш ҳисоботида келтирилган форматга асосланган ҳолда ҳисбот тайёрлайди.

Ҳисботга баҳолаш пайтида аниқланган далиллар (мувофиқлик ва номувофиқликлар) киритилиб, ўқувчи далиллар табиати ва қўлами/таъсирини тушуниши учун баҳолаш пайтида тўпланган холис далилларнинг тавсифи келтирилади. Ҳисботга баҳолаш далиллари тавсифини қўллаб-қувватлайдиган ёки намойиш этадиган маълумотлар (фото ва ҳужжатлар нусхалари) илова қилиниши мумкин.

Баҳолаш ҳисботи номувофиқликлар билан бирга, одатда, инглиз тилида тўлдирилади. Шундай бўлса-да, ҳисботни маҳаллий тилда тўлдириш осонроқ бўлса, ҳеч бўлмагандা, номувофиқликлар тўғрисидаги маълумотлар инглиз тилида бўлиши керак.

Баҳолашда таржимон иштирок этган бўлса, унинг исм-шарифи баҳолаш ҳисботида кўрсатиб ўтилиши шарт.

**Учинчи томон баҳоловчилари учун:** Барча баҳолаш ҳисботлари Better Cottonнинг Таъминот занжири жамоасига баҳолаш якунланганидан кейин 10 иш куни ичидаги топширилиши шарт. Баҳоловчи бошқа ҳисботларни тайёрлашдан аввал ўзининг биринчи ҳисботини кўриб чиқиши учун Better Cottonга тақдим этади. Бундан мақсад – ҳисбот сифати мақбул даражада бўлиши ва олинган фикр-мулоҳазалар ҳужжатни кўпайтиришдан аввал унга киритилишини таъминлаш. Барча ҳисботлар якуний ишов берилишдан аввал баҳолашда иштирок этмаган малакали ходим ёки жамоа томонидан техник тақриз жараёнидан ўтказилади. Бундай тақризчи Учинчи томон текширувчисининг ходими бўлиши мумкин. Баҳоловчи якуний ҳисботни компанияяга баҳолашнинг охирги кунидан бошлаб 4 ҳафта ичидаги юборади. Ҳужжат нусхаси Better Cotton Таъминот занжири жамоасига тақдим этилади.

**For Better Cotton ходимлари учун:** Барча ҳисоботлар баҳолаш тугалланган кундан бошлаб 10 иш куни ичидаги түлдирилади. Баҳоловчи ўзининг биринчи ҳисоботини ҳужжат лойиҳасининг сифатли тақризини амалга ошириш учун малакага эга бўлган Better Cotton ходимига тақдим этиб, у ҳисоботда талаб қилинган мъалумот ва далиллар борлиги ҳамда номувофиқликлар даражаларга ажратилганини текширади. Барча ҳисоботлар якуний ишов берилишдан аввал баҳолашда иштирок этмаган малакали ходим ёки жамоа томонидан техник тақриз жараёнидан ўтказилади. Баҳоловчи якуний ҳисоботни компанияга баҳолашнинг охирги кунидан бошлаб 4 ҳафта ичидаги юборади.

## 2.8.2 Баҳолаш қарори

### Ижобий қарор

Ижобий қарор баҳолашдан муваффақиятли ўтиб, баҳоловчига ўзининг УҲН стандартига риоя этиш қобилиятини намойиш эта олган ташкилотга берилади. Булар сирасига қуидагилар киради:

- Ҳар қандай Йирик номувофиқликлар 30 кунлик муддат ичидаги бартараф этилган.
- Номувофиқликлар сони мазкур ҳужжатда келтирилган рухсат этилган сондан кам.

Ижобий қарор ташкилот/объект тоифасининг ўзгартирилишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

### Салбий қарор

Салбий қарор УҲН талабларининг мақсадларига эриша олмасликнинг фундаментал сабабларини намойиш этаётган ташкилотга нисбатан чиқарилиб, қуидаги ҳолатларни қамраб олади (шунингдек, 1-жадвалга қаранг):

- Йирик номувофиқлик ўрнатилган муддат ичидаги бартараф этилмаган.
- УҲН стандартига фундаментал даражада риоя этмасликдан далолат берувчи турфа хил номувофиқликлар аниқланган.
- Better Cotton ёки учинчи томон баҳоловчиси номувофиқлик қасдан, қўйол беларвоник, тизимли ва/ёки Better Cotton манфаатдор томонларининг обрў-эътиборига салбий таъсир ўтказадиган даражада эканини тасдиқловчи далилларга эга.
- Баҳолашнинг якуний ҳисоботи олинган пайтдан бошлаб ўрнатилган муддатда ТЧР ни ва ТЧР андозасини тақдим этиш тўғрисидаги мурожаатга жавоб бермаслик.

Баҳолаш Учинчи томон текширувчиси томонидан амалга оширилган ҳолатларда қарор қабул қилиш ваколати айнан унга тегишли бўлади.

**Шунингдек, Better Cotton ёки тайинланган учинчи томон баҳоловчиси порахўрлик ёки фирибгарлик ҳолатларини қамраб олувчи ахлоқ қоидаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларни аниқлаган тақдирда, Better Cotton исталган пайтда Better Cotton платформасидан фойдаланишини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқини сақлаб қолади.**

1-жадвал: УҲН талаблари ва бошқа хатар омилларига риоя қилиш даражасига асосланган баҳолаш қарори.

Кичик	Йирик	Баҳолаш қарори	Муддат
≤10		Ижобий натижа	Номувофиқликлар б ой ичидаги бартараф этилиши лозим
>10		Салбий натижа*	Тўлиқ қайта баҳолаш талаб қилинади. Better Cotton платформасининг мавжуд фойдаланувчилари ҳисоблари дарҳол тўхтатиб қўйилади ва янги обьектлар дастурга киришига рухсат берилмайди.
≤5	≤5	Ижобий натижа	Номувофиқликлар 30 календарь куни ичидаги бартараф этилиши лозим
	>5	Салбий натижа*	Тўлиқ қайта баҳолаш талаб қилинади. Better Cotton платформасининг мавжуд фойдаланувчилари ҳисоблари дарҳол тўхтатиб қўйилади ва янги обьектлар дастурга киришига рухсат берилмайди.

\*Пахта тозалаш корхоналари учун – Better Cotton баҳолаш қарорини қайта қўриб чиқиш ва Better Cotton Узлуксиз ҳужжатли назорат дастурида келажакда иштирок даражасини белгилаш ҳуқуқини сақлаб қолади.

### 2.8.3 Апелляция ва шикоятлар

Ташкилот/объект баҳолаш ва мониторинг тадбирлари натижасида чиқарилган ҳар қандай қарорга қарши апелляция киритиш имкониятига эга.

Better Cotton апелляция аризаси олинганини у келиб тушгандан бошлаб 10 иш куни ичидаги тасдиқлайди ва аризачини апелляция кўриб чиқилгунга қадар унинг мақоми тўғрисида хабардор қилиб туради.

Олинган шикоятлар Better Cottonning Шикоятлар билан ишлаш тартиб-қоидаларига асосан кўриб чиқилади.

## 2.9 Бирлаштирилган баҳолашлар

Имконият бўлганда, ташкилот ўзининг Better Cotton УХН баҳолашини Better Cotton томонидан тан олинган обьектда ўтказиладиган баҳолашлар билан бирлаштириши мумкин.

Better Cotton тан олинган Стандартлар рўйхатини тақдим этади ва уларни доимий тарзда мониторинг қилиб, янгилаб боради.



Ташкилот Better Cotton томонидан тан олинган стандартлар асосида баҳоланиб, маъқулланган ҳолатларда, бу Better Cotton УҲН стандартига мувофиқликнинг намойиши сифатида фойдаланилиши ва УҲН стандарти асосида баҳоланишнинг эквиваленти сифатида тан олиниши мумкин. Агар бу баҳолашлардан бирида салбий натижа бор бўлса, у Better Cotton дастури доирасида ҳам салбий қарор қабул қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

Ташкилот қабул қилинишидан аввал Better Cotton УҲН стандартининг айрим қўшимча талаблари ҳам баҳоланишини талаб қилиши мумкин. Бу - Better Cotton ихтиёрига ҳавола этилади. Фойдаланилган баҳолаш услубидан қатъи назар, ташкилот Better Cotton платформасига тегишли транзакцияларни қўшишда давом этади.

Шунингдек, ташкилот Better Cotton томонидан тан олинган стандартлар асосида баҳоланган ва маъқулланган ҳолатларда, бу қабул қилиш жараёнида берилган хатар тоифасида акс эттирилиши мумкин.

## 3 Доимий мониторинг, мувофиқлик ва баҳолаш цикллари

### 3.1 Йиллик ички таҳлиллар

1.0-таҳрирдаги Better Cotton Узлуксиз ҳужжатли назорат стандартининг 2.9-бандига мувофиқ, барча ташкилотлар йиллик ички таҳлил шаклини тўлдириши талаб қилинади. Бу - ташкилот/объектга берилган тоифадан қатъи назар амалга оширилади. Ички таҳлил шакли Better Cotton томонидан тақдим этиладиган воситадан фойдаланилган ҳолда тўлдирилади ва Better Cottonга топширилади. Better Cotton ички таҳлилни баҳолаб, унинг натижасида олинган маълумотлар тўғрисида қўшимча ахборот тақдим этишни сўраши мумкин. Better Cottonнинг мурожаатини бажармаслик ахборот тақдим этилгунга қадар Better Cotton платформасидаги иштирокнинг вақтингчалик тўхтатиб қўйилишига сабаб бўлиши мумкин. Агар тақдим этилган маълумотларнинг сифати паст бўлса ёки хавотир уйғотса, Better Cotton қўшимча маълумот тақдим этишни сўраши ва қўшимча мониторинг ўтказиши мумкин.

### 3.2 Мониторинг ва мувофиқлик



Юқорида келтирилган баҳолаш услугларига қўшимча равишда, Better Cotton УҲН дастурининг иштирокчиси бўлган ташкилот/объектларнинг доимий мониторингини амалга оширади.

Мониторинг услублари, шу жумладан, қўйидагилардан иборат:

- Ҳужжатлар таҳлили
- Объект даражасидаги баҳолашлар
- Маҳсулотни таъминот занжирининг бошигача кузатиб бориш
- Транзакция текшируви
- Тўсатдан ўтказиладиган текширувлар
- Таъминот занжиридаги ҳаракатланишни жисмоний кузатиш воситалари

### **Ҳужжатлар таҳлили**

Транзакцияларни Better Cotton платформасига киритиш доирасида, ташкилотлар бажарилаётган транзакцияларни текшириш учун муайян ҳужжатларни юклаши талаб этилади. Транзакциялар ҳақиқатан ҳам бажарилаётганини текшириш мақсадида, Better Cotton мазкур ҳужжатларнинг намуналарини доимий тарзда ўрганиб боради.

### **Объект даражасидаги баҳолашлар**

Объект даражасидаги баҳолашлар мазкур ҳужжатнинг 2.4-бандига мувофиқ бажарилади. Узлуксиз ҳужжатли назорат тизимиға нисбатан бўладиган потенциал хатарларга жавобан объект даражасидаги баҳолашни ўтказиш учун Better Cotton учинчи томон текширувчисини ёллаш ҳуқуқини сақлаб қолади. Бундай баҳолаш доирасида 1.0-таҳрирдаги Better Cotton Узлуксиз ҳужжатли назорат стандарти асосидаги тўлиқ баҳолаш ёки стандартнинг муайян бандларига асосланган баҳолаш ўтказилиши мумкин. Баҳолаш олдиндан эълон қилинмасдан ёки ўтказилишдан бироз аввал эълон қилинган ҳолда ўтказилиши мумкин. Агар кўтарилилган масалаларда ташкилотнинг айби бўлса, ташкилот баҳолаш харажатларини тўлаши талаб қилиниши мумкин.

### **Маҳсулотни таъминот занжирининг бошигача кузатиб бориш**

Мазкур машғулотдан мақсад - текширилган маҳсулотларни таъминот занжири бўйлаб пахта тозалаш корхонаси ёки келиб чиқиш мамлакатигача кузатиш бўлиб, унда таъминот занжиридаги ҳужжатлар тўлиқ ўрганиб чиқилади.

### **Транзакция текшируви**

Маҳсулотни таъминот занжирининг бошигача кузатиб боришга ўхшаш тарзда, транзакция текшируви муайян таъминот занжирларида маҳсулотлар борасидаги ёлғон баёнотларни аниқлаш, тергов қилиш ва, пировардида, бундай хатарларнинг олдини олишга қаратилади. Ундан мақсад – қайд этилган олди-сотди маълумотлари уларнинг савдо шериклари томонидан маълум қилинган маълумотларга мос келишини текшириш. Бу орқали савдо шериклари ўртасидаги ҳажмдаги фарқларни таъминот занжири бўйлаб аниқлаш имконияти пайдо бўлади. Агар рақамлар мос келмаса, таъминот занжирининг иштирокчиси катта



эҳтимол билан УҲН стандартига мос келмайдиган маҳсулотларни қўшган ва оддий пахта маҳсулотларини Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний маҳсулот сифатида сотаётган бўлиши мумкин.

### Тўсатдан ўтказиладиган текширувлар

Шикоят ва/ёки кўнгилсиз ҳодиса юз берганда Better Cotton ташкилотларнинг майдон ёки обьектида олдиндан эълон қилинмасдан тўсатдан ўтказиладиган текширувларни ўтказиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Аниқланган ҳар қандай масалалар мазкур ҳужжатнинг номувофиқликлар тўғрисидаги бандига биноан ҳал этилади. Ўтказилишига қисқа муддат қолганда эълон қилинадиган баҳолашларни амалга оширишда юридик ва моддий-техникавий муаммолар юзага келиши мумкин. Шу боис юридик ва моддий-техникавий муаммоларга алоқадор бўлган амалий масалалар юзага келган тақдирда, Better Cotton ёки Учинчи томон текширувчиси ташкилотни баҳолаш ўтказилишидан камида уч иш куни олдин хабардор қиласди.

### Таъминот занжиридаги ҳаракатланишни жисмоний кузатиш воситалари

Кузатиш воситалари, деганда толалар, материаллар ва тайёр маҳсулотларнинг микротўқима тузилмасини таҳлил қиласди (экспертлик кузатиш воситалари) ёки кузатиш моддаларини таъминот занжирининг муайян нуқтасида кейинчалик келиб чиқишини текшириш учун қўллайдиган (қўшиладиган кузатиш воситалари) ечимлар тушунилади. Better Cotton мазкур вариантдан сифат ва обрў-эътибор билан боғлиқ масалаларга жавобан фойдаланиши мумкин бўлиб, мазкур тизимларни жорий этиш билан шуғулланадиган ташкилотларга тегишли кўрсатмаларни тақдим этади.

	Сегрегация (Бир мамлакат)	Сегрегация (Бир нечта мамлакат)	Назорат остида аралаштириш
Изотоп / ДНКни текшириш гипотезалари	Маҳсулот сифатида кўрсатилган Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний маҳсулот кутубхонадаги назорат бармоқ изларига мос келадими	Маҳсулот сифатида кўрсатилган Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний маҳсулотнинг келиб чиқиши кутубхонадаги назорат бармоқ изларига мос келадими	Маҳсулотнинг келиб чиқиши юқори даражадаги хатарларга эгами?

### Эксперт текшириш гипотезаси х УҲН моделлари

Мазкур мониторинг усууларидан қачон фойдаланиш ва уларни тасодифий намуна олиш ёки сифат ва обрў-эътибор билан боғлиқ масала сифатида амалга ошириш Better Cotton ихтиёрида бўлади.



Мониторинг натижасида аниқланган масалалар (улар мазкур ҳужжатнинг номувофиқликлар тўғрисидаги бандига мувофиқ равишда ҳал этилади) УҲН стандартларига риоя этилмаётганини кўрсатса, номувофиқлик деб таснифланиши ёки УҲНнинг яққол бузилиш ёки қасдан қилинган фирибгарлик бўлса, дастурдаги иштирокнинг тўхтатиб қўйилишига сабаб бўлиши мумкин.

Агар мониторинг тадбирлари давомида аниқланган камчиликларга ташкилот/объект сабаб бўлгани исботланса, мониторинг харажатлари айбдор ташкилот зиммасига юкланиши мумкин. Харажатларнинг тахминий ҳисоб-китоби Better Cotton томонидан мониторинг ўтказилишидан аввал тақдим этилади.

### 3.3 Баҳолаш циклари

Better Cotton таъминот занжири дастуридаги ташкилотлар/объектлар учун баҳолаш цикли, одатда, 3 йилни ташкил этади ва мониторинг даражалари хатар омили ёки қўлланадиган таъминот занжири моделлари асосида белгиланади.

**Жисмоний сегрегация модели (бир мамлакат, бир нечта мамлакат, назорат остида аралаштириш)**

Тоифа	1-йил	2-йил <sup>3</sup>	3-йил <sup>3</sup>
"A" тоифа	Уч йиллик давр ичida баҳолаш камида бир марта		
"B" тоифа	Дастурга киргандан кейин 12 ой ичida объектга чиқиб баҳолаш	Жорий мониторинг тартиблари билан қамраб олинади	Жорий мониторинг тартиблари билан қамраб олинади
"C" тоифа	Дастурга киришдан аввал Учинчи томон тарафидан объектга чиқиб баҳолаш	Масофавий ёки объектга чиқиб баҳолаш	Жорий мониторинг тартиблари билан қамраб олинади

Таъкидлаш жоизки, агар салбий қарор қабул қилинган ёки ташкилот/объектда юқори даражадаги хатар омиллари аниқланган бўлса, баҳолаш тури ҳил бўлиши мумкин.

Уч йиллик цикл якунида Better Cotton жамоаси ташкилотнинг вазиятини баҳолайди ва қайси турдаги баҳолаш талаб қилиниши бўйича тавсия беради.

<sup>3</sup> Ўтган йилдаги ижобий қарор асосида



## 3.4 Вақтингалик тұхтатиш ва оқибатлар

Better Cotton ташкилоттарнинг УХН дастуридаги иштирокини тұхтатиб қўйиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Дастурдаги иштирокни тұхтатиб қўйиш учун қўйидаги (аммо булар билан чекланмаган ҳолда) сабаблар асос бўлиб хизмат қилиши мумкин:

- Мониторинг тадбирлари доирасида аниқланган номувофиқликларни бартараф этмаслик.
- Мониторинг тадбирлари доирасида Better Cotton ёки маъқулланган Учинчи томон баҳоловчилари билан ҳамкорлик қилишдан бош тортиш.
- Хатар даражаси ўртача бўлган ташкилотлар учун дастурга киргандан кейин 12 ой ичида баҳолашни ўтказмаслик.
- Узлуксиз ҳужжатли назорат тизимидағи яққол бузилиш.
- Ташкилот Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта сифатида сотган маҳсулотлар келиб чиқиши ёки бошқа баёнот орқали Better Cotton маҳсулоти эмаслигининг исботи.
- Better Cottonнинг бошқа жараёнларидағи қоидабузарликлар, шу жумладан, лекин булар билан чекланмаган ҳолда:
  - Аъзолик талаблари
  - Баёнот талабларининг бузилиши
  - Better Cotton платформасининг шартлари ва Better Cotton платформасини суистеъмол қилиш
- Better Cottonнинг обрў-эътиборига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган масалалар.
- Ахлоқ меъёрларига тўғри келмайдиган хатти-ҳаракатлар (порахўрлик, коррупция ва ҳоказо).

Тұхтатиб қўйиш муддати ва уни тұхтатиб қўйишни бекор қилиш учун зарур бўлган ҳаракатлар Better Cotton томонидан белгиланади. Тұхтатиб қўйиш учун асос бўлган сабабларни бартараф этиш учун мақбул ҳаракатларни амалга оширмаслик ташкилотнинг Better Cotton дастуридан чиқарилишига олиб келиши ва ташкилот дастурга қайта кириш учун рўйхатдан ўтиш ва қабул қилиш жараёнларини бажариши талаб қилинади. Қўйидаги бетда одатдаги тұхтатиб қўйиш муддатлари тавсифланган.

## Одатдаги тұхтатиб қўйиш муддатлари

Масала	Тұхтатиб қўйиш муддати (энг камида)	Тузатувчи ҳаракат
>10 та кичик номувофиқлик	3 ой ёки қайта баҳолашгача, қайси бири узоқроқ бўлса. Пахта тозалаш корхоналари учун – мавсумнинг 3 ойи	Қайта баҳолаш (ижобий қарор)
>5 та йирик	3 ой ёки қайта баҳолашгача, қайси бири узоқроқ бўлса. Пахта тозалаш корхоналари учун – мавсумнинг 3 ойи	Қайта баҳолаш (ижобий қарор)
<b>Баҳолаш/мониторинг тадбирларида аниқланган номувофиқликларни талаб қилинган муддатларда бартараф этмаслик</b>	3 ой ёки номувофиқликлар бартараф этилмагунча. Пахта тозалаш корхоналари учун – мавсумнинг 6 ойи	Номувофиқликларнинг оғирлик даражасига қараб самарали бартараф этилиши (Кичик ёки Йирик)
<b>Баҳолаш/мониторинг тадбирларида Better Cotton ёки Учинчи томон баҳоловчилари билан ҳамкорлик қилишдан бош тортыш</b>	6 ой Пахта тозалаш корхоналари учун – мавсумнинг 6 ойи	Баҳолаш/Қайта баҳолаш (ижобий қарор)
<b>"В" тоифа ташкилотлари учун – дастурга киргандан кейин 12 ой давомида баҳолашдан ўтмаслик</b>	Баҳолаш/қайта баҳолаш ўтказилмагунча	Баҳолаш/Қайта баҳолаш (ижобий қарор)
<b>Узлуксиз ҳужжатли назорат тизимининг яққол бузилиши</b>	6 ой Пахта тозалаш корхоналари учун – мавсумнинг 6 ойи	Баҳолаш/Қайта баҳолаш (ижобий қарор)
<b>Ташкилот Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта сифатида сотган маҳсулотлар келиб чиқиши ёки бошқа баёнот орқали Better Cotton маҳсулоти эмаслигининг исботи.</b>	12 ой	Дастурга қўшилиш бўйича қайта ариза топшириш сўнгра қайта баҳолаш (ижобий қарор)
<b>Better Cottonнинг обрў-эътиборига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган масалалар</b>	12 ой	Дастурга қўшилиш бўйича қайта ариза топшириш сўнгра қайта баҳолаш (ижобий қарор)
<b>12 ой ичиди икки марта вақтинчалик тұхтатилиш</b>	12 ой	Дастурга қўшилиш бўйича қайта ариза топшириш сўнгра қайта баҳолаш (ижобий қарор)
<b>Ахлоқ меъёрларига зид хатти-ҳаракат ёки қасддан қилинган фирибгарлик</b>	2 йил	Дастурга қўшилиш бўйича қайта ариза топшириш сўнгра қайта баҳолаш (ижобий қарор)
<b>Better Cottonнинг бошқа жараёнларидаги қоидабузарликлар, шу жумладан, лекин булар билан чекланмаган ҳолда:</b> а. Аъзолик талаблари б. Баёнот талабларининг бузилиши с. Better Cotton платформасининг шартлари	Тегишли тартиб асосида	Тегишли тартиб асосида

Вақтинчалик тұхтатиб қўйиш даврида қўйидаги талаблар амал қилади:

- Тұхтатиб қўйиш даврида ташкилот Better Cotton ёрлиғи остидаги маҳсулотларни ёки Better Cotton маҳсулотидан фойдаланганлик тұғрисидаги баёнот бирликларини сотиш ёки сотиб олиши мумкин эмас.



- b. Агар ташкилот вақтинчалик тўхтатиб қўйишдан аввал олди-сотди қилган, аммо бу транзакцияларни Better Cotton платформасига киритиб улгурмаган бўлса, ташкилотга уларни киритиш ва Better Cotton жамоасига транзакцияларни текшириш учун қўшимча далилларни тақдим этиш учун 10 иш куни берилади. Мазкур талабларнинг бажарилмаслиги транзакциялар рад этилишига сабаб бўлиши мумкин.
- c. Ташкилот унинг дастурдаги иштироки вақтинчалик тўхтатиб қўйилгани тўғрисида ўз харидорларини тўхтатиб қўйишдан кейин 5 иш куни ичida хабардор қилади.
- d. Агар қайта баҳолаш талаб қилинса, бунинг харажати вақтинчалик тўхтатиб қўйилган ташкилот томонидан қопланади. Қайта баҳолашлар Better Cottonнинг Таъминот занжирни жамоаси томонидан ташкиллаштирилади.

## 3.5. Кўламни кенгайтириш

Агар ташкилот ўз фаолияти кўламини кенгайтиришни истаб, УҲНнинг янги моделларини қўшишни истаса, уларни қўшишдан аввал Better Cottonга мурожаат қилиши керак бўлади. Фақатгина Миқдор мувозанати моделидан фойдаланиб келаётган ва ўз фаолиятига жисмоний сегрегация моделини ҳам қўшмоқчи бўлган ташкилотларга нисбатан мазкур ҳужжатнинг 2.1-2.3-бандларида кўрсатилган жараён қўлланади. Жисмоний УҲН модели доирасида ҳар қандай маҳсулотнинг олди-сотдисини бошлашдан аввал ташкилот, энг камида, янги Рўйхатдан ўтиш шаклини топшириши ва, одатда, объектда ўтказиладиган баҳолашдан ўтиши талаб қилинади.

## 3.6. Баёнотлар

Барча баёнотлар Better Cotton маҳсулотидан фойдаланилгани акс эттирилган баёнотлар тизими (Better Cotton Claims Framework) ва/ёки Better Cotton аъзоси бўлган таъминотчи ва ишлаб чиқарувчиси учун мўлжалланган баёнот воситалар тўплами. Баёнотлар ўтказилган баҳолашлар доирасида кўриб чиқилиши мумкин ва аниқланган ҳар қандай қоидабузарликлар Better Cottonнинг Баёнотлар бўйича жамоасига юборилиши ёки номувофиқликлар сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Номувофиқликлар аниқланган тақдирда, улар мазкур ҳужжатнинг 2.7-бандига мувофиқ ҳал қилинади.

## 3.7. Ўзгаришлар тўғрисидаги хабарнома

1.0-таҳрирдаги Better Cotton Узлуксиз ҳужжатли назорат стандартининг 2.3-бандига мувофиқ, ташкилот ўз раҳбарияти вакилининг ўзгаргани ёки ҳар қандай бошқа жиддий ўзгариш тўғрисида Better Cottonга ўзгариш юз берганидан кейин 15 календарь куни ичida электрон почта орқали хабар беради. Бу тартиб, шунингдек, рўйхатдан ўтган пахта тозалаш корхонаси мавсум ўртасида Better Cotton ёрлиғи остидаги паҳтани қайта ишлашни вақтинчалик ёки доимий равишда тўхтатиб объектни оддий паҳта қайта ишлайдиган корхонага ижарага бериб юборган ҳолатларда ҳам амал қилади. Паҳта тозалаш корхонаси ўзгариш тўғрисида Better Cottonни ўзгариш юз берганидан кейин 15 кун ичida хабардор қилади. Ўзгариш юз бергани тўғрисидаги хабар электрон почта орқали юборилиши мумкин.

## 3.8. Истиснолар

Better Cotton Узлуксиз ҳужжатли назорат стандарти глобал равишда қўлланиш учун мўлжалланган бўлиб, ўз тузилмасида турфа хил таъминот занжирлари бўлишини назарда тутади. Шундай бўлса-да, Better Cotton айрим истисно ҳолатларида Better Cotton Узлуксиз ҳужжатли назорат стандартининг талабларини муайян маҳаллий шароитда қўллаб бўлмаслиги мумкинлигини тан олади. Бундан ташқари, Better Cotton таъминот занжиридаги ташкилотлар баъзида талабларга тўлиқ риоя этиш имкониятини бермайдиган кутилмаган ёки тузилмавий ҳолатларга дуч келиши ҳам мумкин.

Бундай вазиятларни ҳисобга олиш учун Better Cotton таъминот занжири иштирокчилари муайян талаб ёки талаблар тўпламидан истисно тариқасида озод қилишини сўраш жараёнини ишлаб чиқсан.

Мазкур жараён фақатгина қўйидаги ҳолатларда қўлланади:

1. Талабни маҳаллий шароитда бажариш имконияти йўқлигини исботловчи аниқ далиллар бўлса; ёки
2. Талабларга тўлиқ риоя қилиш имкониятини бермайдиган кутилмаган ёки тузилмавий шароитлар борлигини тасдиқловчи аниқ далиллар.

Бундай ҳолатларда Better Cotton мурожаатларни кўриб чиқиш учун белгиланган Истисно жараёнига риоя этади. Ҳар қандай истисно ҳолатлари Better Cottonнинг веб-сайтида <https://bettercotton.org/document-library> манзилида эълон қилинади. Better Cotton мазкур маълумот учинчи томон текширувчилари билан ўртоқлашишини таъминлайди.

## 3.9. Махсус мурожаатлар

Ташкилотлар Better Cotton меъёрий ҳужжатларидаги ҳар қандай талаблардан четга чиқишни истаган ҳолатларда улар Better Cotton жамоасига махсус мурожаат киритади. Мурожаатлар электрон почта орқали [compliance@bettercotton.org](mailto:compliance@bettercotton.org) манзилига ёки тегишли мамлакатдаги жамоага юборилади. Мурожаатда қўйидагилар кўрсатилади:

- Ташкилот четга чиқишини хоҳлаётган талаб
- Четга чиқиш учун асос

Better Cotton жамоаси махсус мурожаатни ўрганиб чиқади ва жавоб беради. Жавобда четга чиқиш шартлари ва муддатлари кўрсатилади. Маъқулланган тақдирда ҳам махсус мурожаат прецедент яратмайди ва ташкилот келажакда яна худди шундай вазиятга дуч келса, яна бир бор махсус мурожаат киритиши лозим бўлади.



Better Cotton бу каби сценарий бир неча ташкилотга нисбатан қўлланиши мумкин ёки йўқлигини ўрганиб чиқади ва бундай ҳолатларда истисно эълон қилиб, уни дастурдаги барча ташкилотларга маълум қилади.

## 3.10. Better Cotton ҳуқуқлари

Better Cotton мазкур ҳужжат ёки Better Cottonнинг Узлуксиз ҳужжатли назорат дастурига алоқадор ҳар қандай меъёрий ҳужжатларнинг мазмуни ва уларда келтирилган талабларни эълон қилиш ва ўзгаришиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Ҳар қандай ўзгаришлар тўғрисида барча ташкилотлар хабардор қилиниб, уларни амалга ошириш учун муайян муддат берилади.

Better Cotton платформасига бўлган умумий эгалик Better Cottonга тегишли бўлиб, у Better Cotton Узлуксиз ҳужжатли назорат дастурига кириш учун топширилган аризаларни рад этиш ва ташкилотларнинг дастурдаги иштирокини мазкур ҳужжатнинг тегишли бандларига мувофиқ вақтингчалик тўхтатиб қўйиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Better Cotton Узлуксиз ҳужжатли назорат стандарти ташкилотлар танлаши мумкин бўлган ихтиёрий стандарт ҳисобланади. Better Cotton ташкилотлар Better Cotton платформасидан фойдаланиши ёки ҳар қандай сабаб туфайли фойдаланишдан вақтингчалик четлатилиш натижасида ёки бу билан боғлиқ ҳолда юзага келган ҳеч қандай бевосита ёки билвосита заарлар учун жавоб бермайди. Better Cottonнинг қасддан ёки қўпол лоқайдлик натижасидаги ҳаракатлари оқибатида юзага келган заарлар бундан мустасно.

# 4 Транзакциялар ва Better Cotton платформаси билан ишлаш

Better Cotton платформаси - бу Better Cottonга тегишли бўлган марказлаштирилган рақамли кузатиш тизими бўлиб, ишлаб чиқарувчилар, таъминотчилар, чакана савдо тармоқлари ва брендлар томонидан Better Cotton маҳсулотларининг таъминот манбаларини қидириш ва жалб қилинган ҳажмларни ҳужжатлаштириш ва бу тўғрисида баёнот бериш учун фойдаланилади.

Better Cotton ёрлиғи остидаги маҳсулотларни харид қилиш, ишлаб чиқариш (тегишли ҳолатларда) ва сотиш тўғрисидаги маълумотларни киритиш учун пахта тозалаш корхоналари ва таъминот занжири ташкилотлари Better Cotton платформасидан фойдаланиши талаб қилинади. Better Cotton платформаси Better Cotton жисмоний маҳсулотлари ёки Микдор мувозанати тизимидағи буюртмалар билан боғлиқ транзакцияларни Better Cotton маҳсулотидан фойдаланганлик тўғрисидаги баёнот бирликлари (BCCU) орқали амалга ошириш имкониятини беради.



Better Cotton ҳисобларни ташкилотнинг харид қилиш ва сотиш фаолиятидан келиб чиққан ҳолда биритиради. Ҳисоб турлари пахта тозалаш корхонаси, сотувчи, йигирив фабрикаси, интеграциялашган йигирив фабрикаси, вертикал интеграциялашган йигирив фабрикаси, қайта ишланмаган пахта толаси сотувчиси, мато фабрикаси, вертикал интеграциялашган фабрика, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчиси, таъминот агенти, чакана савдо тармоғи/брэнд кабиларни ўз ичига олади.

Барча Better Cotton транзакциялари учун, улар хоҳ жисмоний, хоҳ Миқдор мувозанати тизимида бўлсин, Better Cotton платформасидан фойдаланиш мажбурий ҳисобланади.

Better Cotton платформасидан фойдаланаётган барча ташкилотлар Better Cotton платформаси шартларини имзолаши талаб этилади. Better Cotton платформаси шартларини платформадан топиш мумкин.

## 4.1 Масъулиятлар

Ташкилот тузилмасидаги ҳар бир обьект транзакцияларни киритиш учун алоҳида Better Cotton платформаси ҳисобига эга бўлади.

Ташкилотлар тегишли маълумотларни Better Cotton платформасига қайд этиб бориш учун масъул бўлган маҳсус вакилни тайинлайди. Ташкилотлар учинчи томонларга Better Cotton платформасидан фойдаланиш имкониятини тақдим этиши мумкин эмас.

Better Cotton платформасига маълумот киритиш учун масъул бўлган барча ходимлар Better Cotton ёки маъқулланган учинчи томон тузилмалари томонидан тақдим этиладиган тренингдан ўтиши шарт.

Ташкилот тайинланган вакилнинг алоқа маълумотлари Better Cotton платформасида янгиланиб туришини таъминлайди. Агар ташкилот ҳар қандай сабаб туфайли тайинланган вакилни алмаштириши керак бўлса, у Better Cotton жамоасига электрон почта орқали [helpdesk@bettercotton.org](mailto:helpdesk@bettercotton.org) манзилига мурожаат қиласди.

Ташкилот Better Cotton платформасида Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний маҳсулотларнинг киравчи ва чиқувчи ҳажмларини қайд этиб боради.

Ташкилот Better Cotton платформасига қайдларни фақатгина таркибида пахта бўлган жисмоний маҳсулотларнинг мос тарздаги ўтказилиши юз бергандагина киритади. Бунга, шунингдек, жисмоний тарзда кузатиш мумкин бўлган Better Cotton ёрлиғи остидаги маҳсулот ва Миқдор мувозанати тизимидағи Better Cotton маҳсулотидан фойдаланганлик тўғрисидаги баёнот бирликлари киради.

Ҳар бир транзакция бўйича тегишли қайд ва ҳужжатлар 1.0-таҳрирдаги Better Cotton Узлуксиз ҳужжатли назорат стандартига мувофиқ сақланади.



Ташкилот транзакциянинг Better Cotton платформасидаги тафсилотлари ҳаққонийлигини уни киритиш ёки қабул қилишдан аввал текширади.

## 4.2 Муддатлар

Ташкилотлар Better Cotton платформаси билан ўт вақтида мулоқот қилиб бориши лозим бўлиб, шу жумладан:

Пахта тозалаш корхоналари:

- Better Cotton ёрлиғи остидаги пахта хомашёсини харид қилиш транзакциялари маҳсулот олингандан кейин 30 календарь куни ичида.
- Пахта толаси маҳсулотлари ишлаб чиқарилгандан кейин 30 календарь куни ичида.
- Better Cotton ёрлиғи остидаги пахта толасини сотиш билан боғлиқ транзакциялар маҳсулот жўнатилган санадан 30 календарь куни ўтиб киритилади.

Бошқа барча ташкилотлар учун:

**Жисмоний моделлар**

- Харид транзакциялари Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний маҳсулотларнинг реал ҳаётдаги оқими ортидан бориши лозим. Жисмоний маҳсулот ташкилотлар томонидан олингунга қадар транзакциялар қабул қилинмайди.
- Харид транзакциялари маълумотлар Better Cotton платформасига киритилганидан кейин 60 календарь куни ичида тасдиқланади, акс ҳолда харид транзакцияси тизим томонидан автоматик тарзда чиқариб ташланади.
- Сотиш транзакциялари Ўзгартириш тўғрисидаги мурожаат олингандан кейин 60 календарь куни ичида таҳрир қилинади, акс ҳолда сотиш транзакцияси тизим томонидан автоматик тарзда чиқариб ташланади.

**Миқдор мувозанати**

- Харид транзакциялари маълумотлар Better Cotton платформасига киритилганидан кейин 60 календарь куни ичида тасдиқланади, акс ҳолда харид транзакцияси тизим томонидан автоматик тарзда чиқариб ташланади.
- Сотиш транзакциялари Ўзгартириш тўғрисидаги мурожаат олингандан кейин 60 календарь куни ичида таҳрир қилинади, акс ҳолда сотиш транзакцияси тизим томонидан автоматик тарзда чиқариб ташланади.
- Сотиш транзакциялари жўнатиш санасидан бошлаб 60 календарь куни ичида киритилади. Пахта тозалаш корхоналари жўнатиш санасидан бошлаб 30 календарь куни ичида киритилади
- Мато фабрикалари агар улар Better Cotton буюртмасини ўзининг тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчиси бўлган бевосита харидоридан олган бўлса-ю, Better Cotton маҳсулотидан фойдаланганлик тўғрисидаги баёнот бирликларини якуний харидорга,



масалан чакана савдо тармоғи ёки брендга ўтказиши керак бўлса, унда якуний маҳсулот ишлаб чиқарувчиси/бевосита харидорнинг номлари Better Cotton платформасидаги транзакция маълумотлари устунига киритилиши шарт.

- Тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилари – агар улар Better Cotton буюртмасини таъминот манбаларини қидирувчи агентдан олган бўлса, аммо Better Cotton маҳсулотидан фойдаланганлик тўғрисидаги баёнот бирликларини якуний харидорга, масалан, чакана савдо тармоғи ёки брендга ўтказиши керак бўлса, таъминот манбаларини қидирувчи агент/ бевосита харидорнинг номлари Better Cotton платформасидаги транзакция маълумотлари устунига киритилиши шарт. Қайдга, шунингдек, чакана савдо тармоғи/брэнд томонидан жўнатиш учун талаб қилинган ягона ҳужжат маълумотлари (масалан, харид буюртмаси, контракт ёки ҳисобфактура) ҳам киритилади.

Агар харидор томонидан тан олинган транзакция билан муаммо юзага бўлса, ҳар қандай ташкилот (шу жумладан, пахта тозалаш корхоналари ҳам) транзакцияни бекор қилишни талаб қилиши мумкин. Бекор қилиш транзакция Better Cotton платформасига киритилганидан кейин 30 кун ичida талаб қилиниши шарт. Бундан мурожаат Better Cotton жамоаси томонидан ўрганиб чиқилади ва уни қондириш мумкин ёки йўқлиги тўғрисида қарор қабул қилинади. Агар транзакция харидор томонидан ҳали тан олинмаган бўлса, уни қайтариб олиш мумкин бўлади. Агар транзакция тизимга киритилганидан кейин 30 кун ўтганидан сўнг уни бекор қилиш керак бўлса, унда бекор қилиш тўғрисидаги мурожаат Better Cotton жамоасига юборилади. Бундай бекор қилиш унинг сабаблари ва харидор томонидан талабнинг тасдиқланишини ўз ичига олади. Better Cotton жамоаси бекор қилиш тўғрисидаги ҳар қандай талаб(лар)ни рад этиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Бу ерда келтирилган муддатлардан ҳар қандай оғиш маҳсус мурожаат сифатида ва мазкур ҳужжатнинг 3.9-бандида кўзда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда кўриб чиқилади.

## 4.3 Пахта тозалаш корхоналарининг захиралари ва Йиллик рухсат берилган ҳажмлар (ЙРБХ)

ЙРБХ коди Better Cotton томонидан лицензияланган ишлаб чиқарувчилар (йирик фермалар ёки ишлаб чиқариш бўлинмалари) учун яратиладиган уникал рақам. ЙРХБ кодлари лицензияланган Better Cotton фермерларидан Better Cotton ёрлиғи остидаги пахта хомашёсини харид қилаётган пахта тозалаш корхоналарига харидларни Better Cotton платформасига киритиш ва ҳажмларни тегишли Ишлаб чиқарувчига қайта тақсимлаш имконини беради. Тъкидлаш жоизки ЙРБХ кодлари пахта тозалаш корхонасига Better Cotton ёрлиғи остидаги мавжуд пахта хомашёсининг тахминий ҳажмини билиш имконини беради. Пахта тозалаш корхонаси билан ишлаб чиқарувчи ўртасидаги ҳар қандай транзакцияга Better Cotton ёрлиғи остидаги тегишли жисмоний маҳсулот алоқадор бўлади. Мавсум давомида Better Cotton жамоаси ҳақиқий ҳосил ҳажмлари тўғрисидаги



маълумотларни олади ва ҳар бир ЙРБХ остида мавжуд бўлган пахта хомашёсининг захираларини қайта кўриб чиқиши мумкин.

Барча пахта тозалаш корхоналарининг захиралари мавсум охирида Better Cotton платформасида “ноллаштирилади”. Пахта тозалаш корхоналарининг пахта толаси захиралари улар Better Cotton ёрлиғи остида ишлаб чиқарилган пахта толасини Better Cotton платформасига киритгани сайн ортиб боради. Улар Better Cotton ёрлиғи остидаги пахта тойларини сотиш қайдларини Better Cotton платформасига киритиши билан харидорлар бу транзакцияларни тасдиқлайди ва бу захиралар шунга мос равишда ортиб боради. Better Cotton ёрлиғи остидаги пахта тойлари анъанавий пахта сифатида сотилганда, Better Cotton платформасига ҳеч қандай қайд киритилмайди ва бу қисқариш реал захираларда акс этмайди. Better Cotton платформасида пахта тозалаш корхонасиning Better Cotton ёрлиғи остидаги (жисмоний) пахта толаси захираси билан унинг анъанавий пахта толаси захираси ўртасидаги фарқни йўқотиш учун Better Cotton янги пахта мавсуми бошланишидан аввал барча пахта тозалаш корхоналарининг захираларини нолга туширади. Бундай “ноллаштириш” муддати пахта мавсуми бошланишига қараб мамлакатдан-мамлакатга фарқланади. Ҳар йили Better Cotton пахта тозалаш корхоналарини уларнинг Better Cotton платформасидаги пахта толаси захиралари ноллаштирилишидан бир ой аввал электрон почта орқали хабардор қиласи. Мазкур муддатдан аввал пахта тозалаш корхоналари Better Cotton ёрлиғи остида сотилган маҳсулотларнинг барини Better Cotton платформасига киритиб бўлиши лозим.

## 4.4 Ҳужжатларни платформага юклаш

Better Cotton ёрлиғи остидаги жисмоний пахта билан боғлиқ ҳолда Better Cotton платформасига киритилган ҳар бир транзакция учун ташкилот транзакцияни текшириш учун керак бўладиган қўшимча ҳужжатларни платформага юклайди. Ҳужжатларга, шу жумладан, қўйидагилар кириши мумкин:

- Ҳисоб-фактуралар
- Транспорт ва/ёки юк жўнатиш ҳужжатлари
- Баён этилган материаллар учун ҳукумат томонидан берилган сотув ёки қўшилган қиймат солиғи чеклари.

Платформага юклangan ҳужжат маҳсулотни олишдан сотишгача бўлган босқичларда кузатиб бориш имконини берадиган уникал назорат рақамига эга бўлиши ва Better Cotton платформасига киритилган транзакция рақамига мос келиб, шу орқали транзакция тафсилотлари киритилган ҳажмларга мос келиши таъминланиши шарт.

Транзакцияни текшириш учун Better Cotton жамоаси тасодифий танлаб олинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиши мумкин. Ташкилотда ўтказиладиган ҳар қандай баҳолаш тадбири доирасида ҳам ҳужжат намунасини танлаб олиб ўрганиш усулидан фойдаланилади. Керакли ҳужжатларни юкламаслик мазкур ҳужжатнинг 4.5-бандида кўрсатилган оқибатларга олиб келади.

## 4.5 Оқибатлар

Ташкилотлар 1.0-тахрирдаги Better Cotton Узлуксиз ҳужжатли назорат стандарти ҳамда мазкур ҳужжатга қўшилган тегишли талабларга риоя этади. Better Cotton платформасига тегишли мазкур талабларга риоя этмаслик Better Cotton жамоаси томонидан, шу жумладан, қўйидаги чоралар қўлланишига сабаб бўлиши мумкин:

- Better Cotton платформасидаги ҳисобнинг вақтинчалик тўхтатиб қўйилиши
- Транзакцияларнинг бекор қилиниши
- Захираларнинг чиқариб ташланиши (пахта тозалаш корхонасининг захираларини ноллаштиришга қўшимча равишда).

Таъкидлаш жоизки, мазкур ҳужжатнинг 4.2-бандида келтирилган кўпчилик муддатлар доирасида Better Cotton платформаси ўрнатилган муддатлардан ўтиб кетган транзакцияларни автоматик равишда рад этиши мумкин.

## 4.6 Очиқ маълумотлар

Better Cotton дастурда иштирок этаётган ташкилотлар ва уларга нисбатан қўлланилаётган текшириш даражасига алоқадор маълумотларни очиқлайди. Бунга, шунингдек, ташкилотга нисбатан қўлланадиган УҲН модели ҳам киради.

Мурожаат асосида Better Cotton охирги икки йил ичидан дастурдан чиқарилган ташкилотлар рўйхати ва чиқарилиш санасини ҳам маълум қилиши мумкин.

## 4.7 Янгиланишлар

Better Cotton ўз платформасини исталган вақтда янгилаш ҳуқуқини сақлаб қолади. Ҳар қандай янгиланишдан аввал ташкилотларга тегишли хабарнома Better Cotton платформасининг ўзида ёки электрон почта орқали юборилади.

## 5. Текширувчи ва баҳоловчи малакаси

### 5.1. Манфаатлар тўқнашуви ва бетарафлик

Учинчи томон текширувчиси баҳолашдан ўтказилаётган ташкилотларда манфаатлар тўқнашувининг олдини оладиган механизмлар бўлишини таъминлайди. Учинчи томон текширувчиси, шунингдек, мониторинг ва баҳолаш билан боғлиқ бўлган барча тадбирларда бетарафлик сақланишини таъминлайди.

### 5.2. Малака

Учинчи томон текширувчиларининг барчаси УҲН стандарти асосидаги ҳар қандай баҳолашни ўтказишдан аввал Better Cotton томонидан рўйхатдан ўтказилади ва маъқулланади.

Учинчи томон текширувчиси томонидан фойдаланиладиган барча баҳоловчилар Better Cotton томонидан белгиланган малака талабларига жавоб бериши ва баҳолашни ўтказиш учун Better Cotton томонидан маъқулланиши шарт.

#### Иккинчи томон текширувчиси учун ўрнатилган талаблар

Барча иккинчи томон баҳоловчилари Better Cotton томонидан ишга ёлланади ва ходимларга қўйиладиган қўйидаги талабларга жавоб бериши шарт.

#### Ходимлар малакаси

Малака уч йўналиш бўйича белгиланади:

1. Баҳоловчи: белгиланган стандарт ёки тартиб-қоидалар асосида мониторинг ўтказувчи шахс.
2. Тақризчи: Шахс ёки шахслар гуруҳи (масалан, баҳолаш жараёнига жалб этилмаган ва баҳолаш билан боғлиқ барча маълумот ва натижаларни кўриб чиқиш учун тайинланган қўмита).



3. Қарор қабул қилувчи раҳбар ходим: Баҳолаш жараёнига жалб этилмаган ва баҳолаш билан боғлиқ қарор қабул қилиш учун тайинланган шахс ёки гурух. Бу тақризчи билан бир хил шахс ёки шахслар гуруҳи бўлиши ёки бўлмаслиги ҳам мумкин.

## Умумий малакалар

Баҳоловчи қуйидаги билим ва кўникмаларни қуйидаги соҳаларда қўллаш қобилиятини намойиш эта олиши шарт.

- a. Better Cotton тизимининг вазифалари ва энг муҳим жараёнлари, шу жумладан Better Cotton УҲН стандарти.

## Маълумоти

Баҳоловчилар, энг камида, ўрта маълумотга эга бўлиб, пахта саноати ёки қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик ва бошқа тегишли тармоқлардаги курсларни тамомлаган бўлиши шарт.

## Иш тажрибаси

УҲН стандартини баҳоловчилар, энг камида, қуйидаги иш тажрибасига эга бўлиши лозим:

- Пахта таъминот занжирига алоқадор соҳаларда энг камида уч йиллик тўлиқ штатдаги иш тажрибаси
- Агар баҳоловчи пахта соҳасидаги таъминот занжири ва унга алоқадор йўналишларда олий маълумотга эга бўлса, иш тажрибасига нисбатан қўйиладиган талаб бир йилгача қисқартирилиши мумкин.

## Тайёргарлик

УҲН дастурида ишлатган баҳоловчилар, тақризчилар ва қарор қабул қилувчи раҳбар ходимлар учун қуйидаги минимал талаблар қўйилади:

- Етакчи аудиторлик тайёргарлик курсини муваффақиятли тамомлаганлик
- Better Cotton тайёргарлик курсини муваффақиятли тамомлаганлик

## Баҳолаш соҳасидаги тажриба

Better Cotton баҳоловчиси, тақризчиси ва қарор қабул қилувчи раҳбар ходими сифатидаги малакасини ушлаб туриш учун баҳоловчи малакасини мониторинг қилиш тизими яратилиб, у қуйидагиларнинг тўпламидан иборат бўлади:

- Баҳолаш ҳисоботларининг доимий текшируви
- Харидорлар фикр-мулоҳазалари
- Гувоҳлар иштирокида ўтказиладиган баҳолашлар.

Учинчи томон текширувчиси ва маъқуллаш тартиб-қоидаларининг тўлиқ тафсилотларини Better Cotton веб-сайтидан топиш мумкин.